Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2022 йил
13 май,
жума
№ 20 (898)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ислоҳотларнинг жойлардаги ижроси, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 май куни Фарғона вилоятига келди.

"Инсон қадри учун" деган эзгу тамойил бугун ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўз тасдиғини топмоқда. Асосийси кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Буни Фарғона вилоятидаги янгиланишлардан, бунёдкорлик ишларидан ҳам билиш мумкин. Биргина ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 45 триллион сўмдан ошиб, ўсиш кўрсаткичи 8 фоизни ташкил этди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш борасидаги ишлар натижасида 150 минг нафардан зиёд фуқаронинг доимий бандлиги таъминланди.

Жумладан, Инвестиция дастурига мувофиқ қиймати 4,2 триллион сўм бўлган 809 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 16 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифини Олтиариқ туманидан бошлади.

Маълумки, Президентимиз ҳудудларни ривожлантиришда уларнинг ўзига хос хусусиятидан ва аҳоли кўникмаларидан келиб чиқиб иш тутиш зарурлигини таъкидлайди. Олтиариқнинг шундай устуворлиги деҳқончиликда, одамларининг омилкорлигида. Айниқса, Олтиариқ узуми чет элларда ҳам таниқли "бренд"га айланган.

Бундай маҳсулотларни кўпайтириш мақсадида туман чеккасидаги минг гектар адирликда узумчилик ва боғдорчилик плантацияси ташкил этилди.

Президентимиз ушбу боғни келиб кўрди.

Илгари бу жой ҳеч нарса экилмайдиган қуруқ ер эди. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш борасидаги ишлар натижасида халқимиз ризқ-рўзи учун минг гектар янги манба пайдо бўлди. Бунинг учун қудуқлар ва ҳовузлар қазилиб, томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Бунда фойдаланилган ускуна ва қувурлар ҳам тўлиқ маҳаллий маҳсулот.

Ўзлаштирилган майдонларнинг 560 гектарида токзор барпо этилиб, "ҳусайни", "келинбармоқ", "ризамат", "кишмиш" каби харидоргир узум навлари экилмоқда. 300 гектарлик интенсив боғда олма, гилос, ўрик кўчатлари ўтқазилмоқда.

Қатор ораларига тарвуз экилган. Бозор талабига қараб, қалампир, булғор қалампири, бодринг, кўкатлар ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштирилади. Булар аҳоли даромади, юртимиз экспортини ошириш учун қўшимча манба бўлади.

— Фарғона қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришаяпти, одамларнинг дунёқараши ўзгараяпти, деҳқонлар экспортга чиқаяпти. Лекин кечаги натижа бугунга тўғри келмайди. Доим изланишда, ҳаракатда бўлишимиз керак. Мана, салгина шароит яратилгани учун шунча жой боғ бўлди. Ҳали ички имкониятларимиз жуда кўп. Бу имкониятларни "инсон қадри" тамойили асосида халқимиз манфаатига йўналтириш керак. Водий гавҳари Фарғона бунда намуна бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу ер замонавий агросаноат мажмуи бўлади — 1 минг 500 тонна сиғимли музлаткичли омбор, маиший хизмат шохобчалари барпо этилади. 6 та минитрактор, 10 та юк машинаси сотиб олинади. Боғ ва токзорлар аҳолига бўлиб берилади. Бу миришкор олтиариқликлар учун катта имкониятлар яратади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда фарғоналик деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашди.

— Бу боғ ва токзорлар аҳолига хусусийлаштириб берилади. Мулкдор қанча кўп бўлса, масъулият кўп бўлади, харидорларнинг, чет эллик ҳамкорларнинг тадбиркорга ишончи бўлади, одамлар кўпроқ даромад олади, — деди Президент.

Ҳудудда 3 мингдан ортиқ иш ўрни очилиши айтилди. Уларга ишсиз ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирлари ишга олинади.

Президентимиз шундай ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Фарғона вилоятида мева-сабзавотчилик ва гулчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Фарғона вилояти Фурқат туманидаги "Уста Юсуфжон наққош" оилавий корхонасида бўлди.

Корхона раҳбари Муҳаммадали Юнусов миллий ёғоч ўймакорлиги мактабининг муносиб давомчиси. Унинг ишлари юртимиздаги кўплаб мақбара ва янги мажмуаларга кўрк бағишлаган. Қўлигул ҳунарманд "Ўзбекистон халқ устаси" унвонига сазовор бўлган.

Муҳаммадали Юнусов ижодида "паргори", "шарафа", "муқарнас" ва "ислимий" услублар устувор. Нақшинкор устунлар, курси, лавҳ, қутича ва бошқа оилавий буюмлар ҳамиша харидоргир.

Устанинг шогирдлари кўп. Шу боис корхонага кенг шароит яратиш мақсадида янги бино қурилмоқда.

— Ота-боболаримиздан мерос ҳунарни асраб-авайлаб, ёш авлодга етказаётганингиз, ёшларни ишли қилаётганингиз учун раҳмат, — деди Президент. — Бундай ҳунармандчилик турларини янада оммалаштириш керак. Бу ҳам маданият, ҳам маърифат, ҳам иқтисодиёт.

Давлатимиз раҳбари мазкур оилавий корхона ёнида мактаб ташкил этиш, унда ҳунарлар билан бирга математика, геометрия, физика, кимё каби фанларни ҳам чуқурлаштириб ўқитиш муҳимлигини таъкидлади. Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода ҳам шу каби ёғоч ўймакорлиги марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Президент Фарғона вилояти Бувайда туманида қурилган мебелсозлик мажмуасини бориб кўрди.

Бувайдада кўпчилик уста дурадгор. Оилалар ўз уйида эшикромлар тайёрлаб сотади. Уларнинг маҳсулотлари Фарғона водийсидан ташқари Тошкент шаҳри, узоқ вилоятларгача етказиб берилади.

Лекин ҳовлида шароитлар етишмасди. Об-ҳаво, шовқин ноқулайлик туғдирарди. Бувайдалик ҳунармандларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллада мебелсозликка ихтисослашган мажмуа барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Бир қаватли биноларда ишлаб чиқариш устахоналари, икки қаватли биноларда савдо, кўргазма ва маиший хизмат хоналари жойлашган.

Президентимиз янги бинода иш бошлаган ҳунармандлар билан суҳбатлашди.

— Булар бу кунга машаққат билан келган. Энди ҳар куни ишлашга ҳам тайёр. Фақат бунинг учун барқарор хомашё ва бозор керак. Давлат шу жиҳатдан ёрдам берса, ҳунармандларнинг иши юришади, шогирдлари кўпаяди, даромади ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Қорақалпоғистон ва вилоятларда мебелбоп дарахтлар етиштириш, қайта ишланган ёғоч маҳсулотлар тайёрлашни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мажмуада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички бозордан ташқари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонга экспорт қилиш режалаштирилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 3 минг 700 дан зиёд кишининг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мамлакатимизда почта алоқаси хизматларининг бугунги ривожланиш даражаси ва жаҳон почта алоқаси хизматлари бозори тараққиётининг замонавий тенденциялари ушбу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Моҳият

Такомиллашаётган тизим

почта алоқаси хизматига оид қонунчилик базаси халқаро нормаларга мувофиқлаштирилмоқда



2009 йилда қабул қилинган "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун почта алоқаси ривожланишининг замонавий талабларига жавоб бермай қолганди. Шунинг баробарида ушбу ҳужжат соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари амалиётига ҳамда Умумжаҳон почта иттифоқи сўнгги йилларда қабул қилган ҳужжатлар талабларига тўлиқ мос келмаётганди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Сайлов қонунчилиги

Асосий мезон — қонунга риоя этиш

бу низоларга ўрин қолдирмайди



Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Конституция ва қонунлар билан кафолатланган мустақил фаолият саналади. Унинг асосий вазифаси аҳолининг кундалик муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир - фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Мазкур йўналишда Олий суд томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқди. Хусусан, Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан **"Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига оид ишларни кўриш бўйича"** услубий қўлланма тайёрланди.

Бундан ташқари Олий суд ташаббуси билан Олий Мажлис Сенати, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда **"Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари"** мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлат божи оптималлаштирилмоқда

Дастлаб мажлисда **"Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар расмийлаштирилгани учун ундириладиган давлат божининг шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Бунда кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш, мол-мулкни ижарага бериш, мол-мулкдан текин фойдаланиш, автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш, гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлашда ундириладиган давлат божи оптималлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Маҳаллий инвесторнинг ҳуқуқи

апелляция инстанциясида тикланди

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда ҳам хорижий, ҳам маҳаллий инвесторлар эркин фаолият юритиши, иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида уларнинг ўрни беқиёс.

Айтиш керакки, инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда судлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Қуйида суд амалиётидан келтирилган мисол ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Гап шундаки, Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси жиддий асос ва теран таҳлилсиз, масаланинг моҳиятини чуқур ўрганмаган ҳолда маҳаллий инвесторни анча овора қилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, аслида қандай воқеа рўй берганди? Маҳаллий инвестор нега овора бўлди?

Аниқланишича, Бешариқ туманида яшовчи Элнур Маъруфов 2020 йил 20 январь куни Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ва балансда сақловчи — Бешариқ туман ҳокимлиги ўртасида уч томонлама имзоланган 10-сонли олди-сотди шартномасига асосан туманнинг Бахмал қишлоғида жойлашган собиқ "Отаҳар чойхонаси" биносини 12 ой муддатда 100 миллион сўм инвестиция киритиш ва 4 тадан кам бўлмаган янги иш ўринлари яратиш мажбурияти билан 30 миллион 306 минг сўмга сотиб олган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ҳуқуқий маърифат

Суд ҳокимияти мустақиллиги

уни таъминлашда хорижий тажрибанинг ўрни ва аҳамияти

Маълумки, судьянинг мустақиллиги — бу унинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда, бирор-бир аралашув ва тазйиқларсиз, кимларнингдир талаб ёки фикрларидан мустақил ҳолда одил судлов фаолиятини амалга оширишидир.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Маҳаллий инвесторнинг ҳуқуқи

апелляция инстанциясида тикланди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шартномага асосан, Э.Маъруфов объектга 2020 йилнинг иккинчи чорагида 30 миллион сўм, учинчи чоракда 35 миллион сўм, йилнинг тўртинчи чорагида 35 миллион сўм инвестиция киритиши, қўшимча бинолар қуриши, ободонлаштириш ишларини амалга ошириши белгиланган. Маҳаллий инвестор ишни бинони реконструкция қилиш ва ҳудудни ободонлаштиришдан бошлаган. Реконструкция ва бошқа бунёдкорлик ишлари амалга оширилгач, Фарғона вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Бешариқ тумани филиали 2021 йил 8 апрель куни реконструкция қилинган бино-иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олган ва бу ҳақида 144-сонли далолатнома расмийлаштирилган. Шундан сўнг инвестор объектга 144 миллион 600 минг сўм инвестиция киритиб, 4 та янги иш ўрни ҳам яратган. Буни масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "AUDIRES" аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил май ойида ўтказилган текширув хулосаси ҳам тасдиқлайди. Янги иш ўринлари яратилгани тўғрисида Бешариқ тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 24/05-01/06-239-сонли маълумотномаси ҳам мавжуд. Яъни Элнур Маъруфов 2021 йилнинг апрель ойида кечикиб бўлсада, зиммасидаги инвестиция мажбуриятларини бажарган.

Аммо бунга қарамай Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, юқоридаги олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва инвестордан 15.000.000 сўм жарима ундиришни сўраган. Суднинг 2021 йил 2 августдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво тўлиқ қаноатлантирилган. Бироқ инвестор суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Фарғона вилояти судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти билан мурожаат қилди.

Апелляция суди мажлисида аён бўлдики, биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган. Қолаверса, суд ҳал қилув қарори қабул қилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги **"Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"**ги 279-сонли қарори 5-иловаси билан тасдиқланган "Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий муносабатлар қабул қилиниши шарти билан "нол" харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисда"ги Низомга асосланган. Ваҳоланки, низо объекти бўлган бино-иншоот ушбу қарорнинг 4-иловаси билан тасдиқланган "Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан 30.306.731 сўмга инвестиция киритиш шарти билан сотилган.

Тўғри, тарафлар ўртасида имзоланган шартноманинг 6.5-бандида агар харидор томонидан ҳеч қандай моддий ҳисса бўлмаган тақдирда унга нисбатан олинган инвестиция мажбуриятлари қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилиши белгиланган. Аммо Э.Маъруфов 2021 йил 23 январь куни қисман, 2021 йилнинг апрель ойида эса, тўлиқ инвестиция киритиб, мажбуриятини бажарган. Бу ҳолат даъвогар томонидан расмийлаштирилган далолатномада ҳам ўз ифодасини топган.

Айтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодекснинг 279-моддасига биноан, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмагани, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмагани, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилгани ёхуд нотўғри қўлланилгани биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Апелляция инстанцияси суди ана шундай ҳуқуқий асосларга таяниб, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 2 августдаги ҳал қилув қарорини бекор қилди ва ушбу иш бўйича янги қарор қабул қилди. Яъни даъвогарнинг даъво талаблари рад этилди.

Шу тариқа адолат қарор топди. Маҳаллий инвесторнинг бузилган ҳуқуқи тикланди, унинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйилди.

Зеро, қонун ҳалол тадбиркорни ҳамиша қўллабқувватлайди.

Иброҳим ТУРСУНОВ,
Фарғона вилояти суди судьяси

ВОДИЙ ГАВҲАРИ ФАРҒОНА ҲАР СОҲАДА НАМУНА БЎЛАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти Учкўприк туманида бунёд этилаётган Енгил саноат ва логистика марказига борди.

Бу мажмуа ҳам Президент ташаббусининг натижаси. Учкўприкда тикувчи аёллар, оилавий корхона ташкил этган, маҳалладошларини ишли қилган тадбиркорлар кўп. Лекин улар мослаштирилган шароитларда ишлар, бу бизнесни кенгайтиришга халал беррар эди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифи чоғида тадбиркор аёллар билан суҳбатлашиб, улар учун замонавий мажмуа қурилишига ваъда берган эди. Шу асосида 2021 йил 27 май куни "Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда 15 гектар ер ажратилиб, кўп қаватли бино барпо этилмоқда. Бу ерда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо растаси бўлади. Шунингдек, 2 та логистика маркази ташкил этилади. Натижада Бобошбек, Бекмурод, Зиғир, Палохон ва Яккамулла каби маҳаллалардаги юзлаб тадбиркорларга замонавий қулайлик яратилади.

Масалан, биргина Бобошбек маҳалласида 5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар Қўқон бозори орқали юртимиз ҳудудлари, қўшни мамлакатларгача етиб бормоқда. Энди замонавий шароитлар самарасида бу кўлам янада кенгаяди.

Президентимиз бу ерда иш бошлаган тикувчилик корхоналари фаолияти билан танишди, тадбиркорлар ва харидорларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Мажмуада йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик экспорт қилиниши мўлжалланган. Жами 7 минг 700 дан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлиши мумкин.

Қўштепа туманида ҳам яна бир тўқимачилик корхонаси қурилмоқда. "Global textile infinity" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилаётган бу фабрика йилига 18 миллион метр юқори сифатли мато ҳамда 2 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачиликда қайта ишлаш даражасини ва маҳсулотлар ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бугун бозор бешафқат. Бу рақобатга муносиб бўлиш учун тадбиркорнинг камида беш йиллик мўлжали, сифат кафолати, таннархда ўзининг резерви бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Марғилон шаҳрида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлди.

Наврўз маҳалласи ҳудудидаги бу жой илгари тошлоқ, фойдаланилмайдиган ер эди. Лекин коммуникация ва логистика жиҳатидан жуда қулай.

Шу боис 7 гектар майдонда ушбу саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати бўйича 28 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда уларнинг 12 таси ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган. Барча корхоналарда мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналардан бирида ишлаётган аёллар билан суҳбатлашди.

— Инсон қадрини улуғлаш бўйича ҳаракатларимизда аёлларга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз. Аёл бу — оила дегани, баркамол фарзандлар дегани. Нима учун "Аёллар дафтари" ташкил қилдик? Ҳар бир эҳтиёжманд хотин-қизга эътибор қилиш учун. Сизнинг ҳам баъзиларингиз "менинг қўлимдан келмайди" деб ўйлаган бўлишингиз мумкин. Қила олар экансиз-ку. Сизларда мана шундай ишонч бўлиши учун, қизларимиз касб-ҳунарли бўлиши учун бундан кейин ҳам ҳамма имкониятларни ишга соламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай саноат зоналарини чекка туманларда ҳам очиб, унга ёшларни жалб этиш, касбга ўргатиш ва тадбиркорлигини қўллабқувватлаш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Тошлоқ туманидаги "Agro impex valley" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд бўлган ушбу корхона 2020 йилда ишга туширилган. Бу ерда "Амира текстиль" белгиси остида тайёр кийимкечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ёзги пойабзалларнинг устки қисми ҳам тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошлоқ туманида ишлаб чиқарилаётган саноат ва ҳунармандчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбирлари

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Яъни илгари дифференциал тарзда ҳисобланадиган давлат божи қатъий ставкаларда белгиланиши таклиф этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси билан қандай ўзгаришларни жорий этиш назарда тутилмоқда?

Мажлисда **"Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими ҳамда шартномавий муносабатларнинг такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида текширишларни белгиланган тартибда тасдиқланган саволнома бўйича амалга ошириш мажбуриятини белгилаш назарда тутилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Вакил фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишларидан бири сифатида текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини электрон тарзда юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ўз ваколатлари доирасидаги соҳалар бўйича белгиланган тартибда тақдим этган мажбурий талабларнинг электрон реестрини юритиш белгиланмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги, **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги, **"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"**ги, **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги ва **"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"**ги қонунларда белгиланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг назорат функциялари чиқариб ташланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Географик объектларга шахс номини беришда келиб чиқаётган муаммоларнинг олди олинади

Мажлисда **"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг мақсади — кўчалар, шоҳкўчалар, маҳаллалар, майдонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исм-шарифини беришни тартибга солишдан иборат.

Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, шу жумладан, жамоат ва давлат арбобларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш тартиби қонунчиликда аниқ тартибга солинмагани сабабли амалиётда турли муаммолар келиб чиқмоқда.

Хусусан, **"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"**ги қонунда географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш белгиланган бўлса-да, фуқаролар томонидан географик объектларга ном бериш ташаббусларини илгари суриш тартиби назарда тутилмаган.

Шунингдек, таркибида туманлар мавжуд бўлган шаҳарларда (Тошкент, Наманган ва Андижон) географик объектларга ном бериш ваколати туман Кенгашларига берилгани ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали мувофиқлаштириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш жараёнида ушбу географик объект жойлашган ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

Қизғин бахс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Парламент Ахборот маркази

Ҳуқуқий маърифат

Суд ҳокимияти

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида еттита устувор йўналишдан бирида айнан судларни мустақиллигини таъминлашга қаратилган алоҳида мақсад белгилаб олингани эътиборга молик.

Унга кўра, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Судьянинг мустақил ва фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритиши Конституция даражасида кафолатланишининг асосий сабабларидан бири — суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ — одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилгани билан изоҳланади. Зеро, мамлакатимиз ҳаётида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминланишига эришишда одил судловнинг аҳамияти беқиёс.

Судьянинг мустақиллиги одил судлов фаолиятини амалга оширишнинг шаффофлигини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади.

Айниқса, бу борада тараққий этган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, АҚШ суд тизими одил судловни амалга оширишда судьянинг фаолиятига аралашмаслик ва мустақиллик принципини амалда таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Бугунги кунда АҚШ демократик принципларга асосланган суд тизимини ташкил этиш ҳамда одил судлов фаолиятини амалга ошириш борасида дунёнинг энг илғор давлатларидан бири саналади.

Америка ҳуқуқ мактаби анъаналарига мувофиқ, мамлакатда амалда бўлган қонун чиқарувчи, ижроия, маъмурий, суд ва бошқа органлар улкан, сертармоқ ва ўта мураккаб тизимга эга. Улар АҚШ Конституцияси асосида фаолият юритади.

АҚШ суд тизими давлатнинг федератив хусусиятини ўзида акс эттириб, федерал судларнинг ягона тизими билан бирга, штатларда мустақил суд тизими ҳам фаолият юритади. Фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий қисми штат судлари томонидан, фуқароларнинг федерал ҳукуматга нисбатан ва чет эл давлатлари фуқаролари ўртасидаги, шунингдек, миқдори 10 минг доллардан ошадиган даъволар федерал судлар томонидан кўриб чиқилади.

АҚШ федерал суд тизимида тўртта асосий маъмурий бошқарма мавжуд. Улар суд тизимини маъмурий жиҳатдан бошқаришга масъул бўлиб, мамлакатда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Суд мажлиси деб аталган бошқарманинг таркиби фақат судьялардан ташкил топган ва у федерал суд ҳокимиятининг фаолият йўналишини белгилаб беради. Олий суд раиси бир вақтнинг ўзида Суд мажлиси бошқармасининг ҳам раҳбари ҳисобланади. Унинг аъзолари АҚШдаги 13 та минтақавий апелляция суди раислари ва 94 та федерал туман судининг вакилларидан иборат.

Маъмурий бошқарма АҚШ Суд мажлиси бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган қарорларни амалга оширади. У судларнинг ҳар кунги фаолиятини, яъни судларнинг кадрлар ва ёрдамчи техник ходимлар, маблағ, жиҳоз ва иш юритиш материаллари билан таъминланиши учун масъулдир.

Федерал суд маркази судьялар ва суд техник ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун масъул.

13 та минтақавий апелляция суди қошида фаолият юритадиган Минтақавий суд кенгашлари ўз ҳудудий юрисдикцияси доирасида ҳудудлардаги судларни бошқариш учун жавобгар ҳисобланади.

АҚШ суд тизимида Олий суд муҳим ўрин тутади. У Конституциявий назорат органи вазифасини бажарган ҳолда Конгресс акти, штат қонуни ёки ҳар қандай суд қарорлари Конституция нормаларига зид келган тақдирда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. АҚШ Олий судининг асосий вазифаларидан яна бири икки ёки ундан ортиқ штат ўртасидаги низоларни биринчи инстанция бўйича кўриб чиқишдан иборатдир.

Федерал суд тизими таркибига апелляция, округ ва махсус судлар киради. Мамлакатда 11 та апелляция округи ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 23 нафар судьяси бўлган апелляция судлари мажлис ўтказади.

Сайлов қонунчилиги

Асосий мезон – қонунга риоя этиш

бу низоларга ўрин қолдирмайди

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Семинар-тренинг давомида маҳалла оқсоқолларини сайлаш тизимидаги долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, ўзаро тажриба алмашилди. Тадбирда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти, сайловни ўтказиш тартиби ва сайлов жараёнининг асосий тамойиллари, бу борада амалга оширилган ташкилий чора-тадбирлар, шунингдек, сайловга оид ишларни маъмурий судда кўриш каби мавзулар муҳокама қилинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, сайлов ҳуқуқи бузилган шахс сайлов комиссиялари ёки ишчи гуруҳнинг қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) хатти-ҳаракатлари ёки қарори устидан берилган шикоятлар туманлараро маъмурий судларда кўрилади.

Сайловда овоз бериш фуқаролар йиғинида яшовчи сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчилар иштирокида ўтказилган тақдирда, ҳар қайси сайловчи сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) хатти-ҳаракатлари ё қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар сайлов фуқаролар вакиллари томонидан овоз бериш тартибида ўтказилса, фуқаролар вакили сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) хатти-ҳаракатлари ё қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасига асосан манфаатдор шахс маъмурий орган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза ёки шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Бунда фуқаро ушбу қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли:

унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган;

унинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга тўсиқлар вужудга келтирилган;

унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юкланган;

унинг у ёки бу соҳадаги фаолиятни амалга ошириши учун бошқа тўсиқлар вужудга келтирилган деб ҳисобласа, ўзининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан бемалол фойдаланиши мумкин.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 20 ва 21-моддаларига мувофиқ, фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан берилади.

Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади. Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка "+", "-" ёхуд "х" белгисини қўяди. Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин саноқ комиссияси томонидан очилади.

Бундан кўринадики, сайловчининг ҳуқуқлари сайловда иштирок этиб, юқорида баён этилган тартибда овоз беришда ифодаланади. Шу сабабли сайловчи, манфаатдор шахс сифатида айнан шу ҳуқуқлари бузилгани юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Аммо у сайлов натижасига кўра, муайян номзод асоссиз равишда сайловда ғолиб бўлгани юзасидан низолашишга ҳақли бўлмайди.

Ўз навбатида, номзод ҳам фақат ўзига тегишли ҳуқуқлар бузилгани юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлиб, сайловчига тегишли ҳуқуқлар бузилгани юзасидан низолашишга ҳақли бўлмайди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан судга шикоят қилинганда, шикоятда жавобгар сифатида тегишли сайлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи кўрсатилади. Бироқ шикоятда жавобгар сифатида сайлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи эмас, балки унинг раиси ёки раис ўринбосари кўрсатилгани асосида шикоятни қабул қилишни рад этишга, иш юритишни тугатишга ёки ушбу асос билан даъвони рад этишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда сайлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи жавобгар сифатида талқин этилади.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисмига кўра, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов якунлари бўйича қарор қабул қилиши сабабли овозларни санаш натижалари бўйича тузилган саноқ комиссиясининг баённомаси устидан бериладиган шикоятлар судга тааллуқли бўлмайди. Чунки саноқ комиссиясининг баённомаси маъмурий акт эмас. Қолаверса, саноқ комиссиясининг ҳаракати ҳамда сайлов натижаси юқорида қайд этилган қарорда ифодаланади. Шу сабабли судлар саноқ комиссияси баённомасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоятларни иш юритишга қабул қилишни рад қилиши, агар қабул қилинган бўлса, ишни иш юритишдан тугатиши лозим бўлади.

Сайлов комиссия ёки ишчи гуруҳининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоятда:

1) шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатларни содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, мансаби, у аъзо бўлган сайлов комиссияси ёки ишчи гуруҳининг номи;

2) шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатлар нимада ифодаланиши, ҳаракатлар содир этилган сана, вақт ва жой;

3) шикоят берган шахснинг фикрига кўра, содир этилган хатти-ҳаракатлар билан бузилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари;

4) шикоят берган шахснинг фикрига кўра, содир этилган хатти-ҳаракатлар мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари;

5) шикоят берган шахснинг сайлов комиссияси ёки ишчи гуруҳи хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби ва ҳуқуқини тиклаш усули кўрсатилади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 142-моддаси иккинчи қисмига биноан ариза суд томонидан шикоят берган шахс ва тегишли сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) вакили, шунингдек, прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Шу сабабли бундай тоифадаги ишларни кўришда аризачининг биринчи чақирув бўйича судга келмагани асоси билан аризани кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Ишни кўриш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига (ишчи гуруҳига) ва шикоят берган шахсга топширилади.

Сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) қарорларини ҳақиқий эмас, хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишлар кўрилганда, ушбу қарорларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни ҳамда бу хатти-ҳаракатларнинг қонунга мувофиқлигини исботлаш мажбурияти уларни қабул қилган тегишли сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) зиммасига юклатилади.

Ўз навбатида, ариза берган шахс ҳам сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) қарори, хатти-ҳаракатлари унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганини асослаб бериши лозим.

Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд шикоятнинг асослилигини аниқласа, сайлов комиссияси (ишчи гуруҳи) қарорини ҳақиқий эмас, унинг хатти-ҳаракатларини эса, қонунга хилоф деб топади. Сайлов комиссиясига аризачининг талабини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Бундай тоифадаги ишларни кўришда ўзгача муддат белгиланмагани сабабли суднинг ҳал қилув қарори у қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач, апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Бундан ташқари қонунда ўзгача муддат белгиланмагани сабабли бундай тоифадаги ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятлари ҳам Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 218-моддасида назарда тутилган бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказишда сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя этиш унинг ҳаққонийлигини таъминлаши баробарида турли низолар келиб чиқишининг ҳам олдини олади. Агарда бу борада қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, манфаатдор тараф баён этилган тартибда судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин.

Муроджон АБАБАКИРОВ,
Олий суд судьяси

Моҳият

Такомиллашаётган тизим

почта алоқаси хизматига оид қонунчилик базаси халқаро нормаларга мувофиқлаштирилмоқда

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу сабабли мамлакатимиз почта алоқаси хизматлари бозорини янада ривожлантириш мақсадида соҳага доир қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан янги таҳрирдаги **"Почта алоқаси тўғрисида"**ги қонун кенг муҳокама қилинди. Ушбу қонун хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантириш ҳамда почта алоқаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Эндиликда почта алоқаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кенгайтирилди. Давлат томонидан почта алоқасини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, илғор инновацион, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантириш белгиланмоқда.

Бундан ташқари Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ушбу қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини юритади. Унга истеъмолчилар ҳуқуқларининг таъминланиши ва соҳани ривожлантиришга доир ишлар амалга оширилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш вазифаси юклатилмоқда.

Шунингдек, қонун почта алоқасининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги янги норма билан тўлдирилмоқда. Хусусан, почта алоқасининг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилиш, почта ва курьерлик жўнатмалари, почта алоқаси воситаларининг бут сақланишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, янги қонунда почта алоқаси билан боғлиқ курьерлик жўнатмалари, посилка, почта алоқаси, почта алоқасининг миллий оператори, почта йўналиши ва почта курьери каби тушунчаларига қонуний таъриф берилиб, аниқлик киритилмоқда.

Янги қонун Умумжаҳон почта иттифоқи талаблари ҳамда бир қатор хорижий давлатларнинг почта алоқасини тартибга солиш борасидаги ижобий тажрибаси асосида ишлаб чиқилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши почта алоқасини ривожлантириш йўналишида ҳуқуқий ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, барча ҳудудларда тенг шароитда универсал почта хизматини кафолатлаш, сифатли почта ва курьерлик хизматларини кўрсатиш учун шароит яратиш, почта алоқасининг бетўхтов ва хавфсиз ишлашини таъминлаш имконини беради.

Шермат ШАМСИЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

мустақиллиги

Бундан ташқари 1982 йилда федерация микёсида юрисдикцияга эга бўлган АҚШ Апелляция суди ташкил этилган бўлиб, у божхона, патент ишлари ва даъволар бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Апелляция судлари округ судларининг ҳукм ва қарорлари, штатлар маъмурий органларининг қарорларига нисбатан киритилган шикоятларни ҳам кўриб чиқиб, ҳал қилади.

Округ судлари штатлар ҳудудида ташкил этилади ва федерал судлар ваколатига тегишли асосий ишларни кўради. Бундан ташқари мамлакатнинг йирик шаҳарларида ҳам бир неча округ судлари фаолият юритади. Мамлакатда 95 та округ суди мавжуд.

АҚШ суд тизимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, умумий юрисдикция судлари билан бир вақтда ихтисослашган судлар ҳам фаолият юритади. Улар томонидан фақат маълум тоифадаги ишларгина кўриб чиқилади.

Масалан, ташқи савдо бўйича суд тўққиз нафар судьядан иборат таркибда иш юритади. Улар якка тартибда қарор чиқариши мумкин. Қолаверса, улар суд қароргоҳи жойлашган Нью-Йорк шаҳрида ёхуд зарур ҳолларда АҚШнинг бошқа порт шаҳарларидан бирида иш кўриш ваколатига эга.

Солиқ суди эса, федерал солиқлар миқдорини белгилаш ва уларни тўлаш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, АҚШда судьялик лавозимига муносиб номзодларни танлаш ва тайинлаш борасида белгиланган тартиб ва амалиёт судлар мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Президент ва Конгресс судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш ҳамда тасдиқлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, АҚШ Олий судида бўш ўринлар пайдо бўлса, Президент уларни тўлдириш учун номзодларни танлаб, уларни Олий Суд судьяси лавозимига тайинлайди ва тасдиқдан ўтказиш учун Сенатга юборади.

Мазкур номзодни Сенат қабул қилиши, тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин. Бунинг учун Сенат номзодларнинг тавсифномаларини, судьялик қобилияти, касбий маҳорати, ҳатто суд тўғрисидаги фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиб чиқади ва ўз мажлисида муҳокама қилади.

Шу билан бирга Федерал Апелляция ва туман судларининг судьялари ҳам Президент томонидан Сенатга тавсия қилинади. Номзод Сенат томонидан худди шу тарзда тасдиқланади.

Штат судларида судьялик лавозимига тайинлаш турли қоидалар асосида ўтказилади. Аксарият штатларда олий судлар ва апелляция судлари судьялари штат губернатори томонидан Сенат ёки штатнинг бошқа қонун чиқарувчи органи розилиги билан 6-15 йил муддатга, кўпинча такроран тайинланиш ҳуқуқи билан тайинланади.

АҚШнинг айрим штатларидаги қуйи турувчи суд инстанциялари судьялари ҳам худди шу тартибда ўз лавозимларини эгаллайди. Лекин штатлардаги кўпчилик судьялар аҳоли томонидан сайлов кампаниялари давомида сайланиши каби тартиб ҳам мавжуд.

Бундай тизим сиртдан демократик кўринса-да, кўпинча бу жараёнда номзодларни қўлловчи бир-бирига рақиб сиёсий партияларнинг манфаатлари биринчи ўринга чиқиб қолади. Касбий ва шахсий сифатлар эса, иккинчи даражага тушиб, эътибордан четдан қолади. Шу сабабли бу тизим АҚШда ҳақли равишда танқидга учрамоқда. Натижада кўпгина штатларда сўнгги ўн йилликлар давомида судьялик лавозимини эгаллаш тизимининг муқобил йўллари ишлаб чиқилмоқда.

АҚШ Федерал суд тизимида судьялар умрбод ўз лавозимларига тайинланади. Бу ҳолат судьялар ишининг барқарорлиги ва сиёсий таъсирдан ҳимояланишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Судьяларни вазифасидан четлатишнинг жуда ҳам мукаммал тартиби амал қилади. Бунда федерал суд тизимида фаолият кўрсатаётган судьяни ўз лавозимидан озод қилиш учун унга нисбатан ишончсизлик билдириш механизми, яъни импичмент институти қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда суд ҳокимияти мустақиллиги амалда таъминланганини одил судлов фаолиятини амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Демократик тамойилларга асосланган бу тажрибанинг афзал жиҳатларидан мамлакатимиз суд амалиётида фойдаланиш шахс ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилишга ёрдам бериши аниқ.

Нурали ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилояти суди судьяси

Жиноят ва жазо

Қимматга тушган зўравонлик

Избосканлик Сурат Дониёров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йилнинг 24 август куни дўсти Ўктам Мадазимов билан бирга ўзи ўқитувчи бўлиб ишлайдиган 5-умумий ўрта таълим мактабига боради. Улар мактабда ўрнатилган "Wi-Fi" тармоғидаги "IMO" дастури орқали хорижда ишлаётган дўстлари билан мулоқот қилишади.

Айни шу пайтда мактаб рўпарасидаги хонадонда яшайдиган Шукрулло Адҳамжонов уларнинг автомашинасига ўтириб олади. Бу ҳам етмагандек, у дабдурустдан С.Дониёровга буйруқ беради:

— Мени машинангда туман марказига олиб бориб қўясан!

Табиийки, С.Дониёровнинг бундан жаҳли чиқади.

— Аввало сенсирама, ҳар ҳолда мендан кичкинасан. Шунинг учун муомалангни тўғрилаб ол, — дейди у.

Аммо Шукрулло бунга парво ҳам қилмай қўпол муомаласини яна давом эттиради.

(Давоми 4-бетда) ▶

Инсонпарварлик тамойиллари

Тақдир синови, бобо ва буви бўлиш бахти

Нодира опа суд залига ҳаяжонланган кўйи кириб келди. Унинг фикру хаёлини марҳума қизи Нафисадан ёдгор бўлиб қолган жигарбандини олиб қўйишмасмикан, деган ўй банд этиб олган эди.

Шу ўринда воқеани батафсил баён этадиган бўлсак, Нафиса бир неча йил муқаддам маҳалласидаги узоқроқ қариндошининг ўғли Расулга турмушга чиққанди. Аммо Нафисанинг бахти очилмади, оилавий турмуши вақт ўтса-да, ўз изми ва ўзанига тушмади. Тўйдан сўнг 4 ой ўтгач, ота уйига қайтиб келди. Ўғли Асад ҳам шу хонадонда дунёга келди.

Одатда, фарзанднинг дунёга келиши оилани мустаҳкамлайди, ота-онани масъулиятни ҳис этиб яшашга ундайди. Бироқ Расул ва Нафисанинг дарз кетган муносабатлари қайта тикланмади. Фарзанд эр ва хотин ўртасида кўприк бўлолмади. Аксинча, Расул орани очиқ қилди, бошқа аёлга уйланди ва икки нафар фарзанднинг отаси бўлишга ҳам улгурди.

Нафиса эса, Асадни оқ ювиб, оқ тараганча ота-онасининг уйида қолди. Хайрият, ота-онаси ҳам қараб туришмади. Отасиз ўсаётган набирага улар меҳр беришди. Асад ўзгалардан кам бўлмаган кўйи улғайди. Бироқ турмуш тасодифларга тўла. Оилага кулфат оралади. Оғир касаллик туфайли Нафиса бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Бу пайтда Асад ҳали 6 ёшга ҳам тўлмаганди. Бобо — Шуҳрат Раҳимов ва буви — Нодира Каримова (исм-шарифлар ўзгартирилган) онасидан бевақт жудо бўлган набирани тарбия қилишди, бутун меҳрини унга беришди. Шундан сўнг Урганч шаҳар ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, болага нисбатан васийлик мақомини белгилаш ва ушбу ҳуқуқни ўзларига беришни сўрашди. Уларнинг мурожаатига асосан Асадга буви бўлмиш Нодира Каримова ҳокимнинг тегишли қарорига мувофиқ васий этиб тайинланди. Ушбу қарор набирасини ҳеч кимдан кам қилмай камолга етказиш гаровига айланди. Аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. Кутилмаганда, ота бўлмиш Расул Отажонов ўғлини йўқлаб, собиқ қайнота ва қайнонасининг уйига келди. Бобо ва бувидан фарзандини ўз ихтиёрига беришни сўради. Бироқ бу талаби рад этилгач, у судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд муҳокамаси жараёнида эса, ота сифатида болани тарбиялашда устувор ҳуқуққа эга эканини таъкидлади.



Нодира опа ҳам собиқ куёвининг важлари олдида довдираб қолмади, аксинча, Асадбек туғилганидан буён бирон марта ҳам хабар олмагани, ҳатто бола уни танимаслиги, бунинг устига моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватламагани, алимент пулини мунтазам тўламаганини баён этди. Набирасининг униб-ўсиши учун оиласида барча шарт-шароит муҳайё этилганини таъкидлаб, пировардида набирасини ўз қарамоғида қолдиришни сўради.

Суд масалани тегишли мутахассис ва мутасаддиларнинг хулосаларига суянган ҳолда атрофлича муҳокама қилди. Бола мурғаклигидан фақат бобо ва бувиси қарамоғида тарбияланаётганини, уларга ўрганиб қолгани, ота бўлмиш шахсни мутлақо танимаслиги, бундай вазиятда уни бобо ва буви қарамоғидан ажратиш салбий оқибатларга олиб келиши, руҳиятига ёмон таъсир қилишини эътиборга олди.

Олий суд Пленумининг "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори талабларига қатъий риоя қилди. Ушбу қарор талабига кўра, суд болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда вояга етмаганларнинг хоҳиш ва манфаатига мос келадиган мазмунда ҳал қилув қарори чиқариши зарур. Суд масалани ана шу тахлитда ҳал қилар экан,болани у кўз очиб кўрган хонадон, ўзи таниган-билган, меҳр-оқибат улашган инсонлар қарамоғида қолдириш ҳақидаги хулосага келди. Зеро, боланинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилишнинг энг мақбул ва афзал чораси ҳам — шу.

Суд бу ҳолатларни назарда тутган ҳолда ҳали вояга етмаган Асад Отажоновни васий қилиб белгиланган Н.Каримова, шунингдек, бобоси Ш.Раҳимовнинг тарбиясида қолдиришни мақсадга мувофиқ, деб топди. Ота — Р.Отажоновга ўз фарзанди билан ҳафтанинг муайян кунларида ҳеч қандай монеликсиз учрашиб туришни сўраб, судга мурожаат қилиши ҳуқуқи борлиги тушунтирилди.

Албатта, суд томонидан боланинг манфаат ва ҳуқуқлари ҳимоя қилингани қувонарли ҳол. Аммо шуни унутмаслик керакки, фарзанд тарбиясида ота-она меҳри, оилавий муҳит ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, оилавий ҳаётга қадам қўяётган ҳар бир йигит-қиз оила масъулиятини, фарзанд тақдирини чуқур ҳис этиши лозим.

Мавсума ЙЎЛДОШЕВА,
Хоразм вилояти суди судьяси

Қизиқарли фактлар

Америкалик машҳур режиссёр Стивен Спилберг 2004 йилда суратган олган "Терминал" фильмини бутун дунёда севиб томоша қилишади. У аэропортда узоқ муддат қолиб кетган муҳожир ҳаётига бағишланган бўлиб, аксарият томошабинлар ҳақиқий ҳаёт экранга кўчирилганидан хабардор эмас. Фильмга асос бўлган ҳодиса эса, қуйидагича кечган.

Аэропорт «фуқароси»

ёхуд ҳаёти кинога айланган инсон қисмати

Ҳаётда шундай воқеалар учраб турадики, бошқа мамлакатга учиб борган айрим кишилар ҳужжатлар билан боғлиқ муаммоларга дуч келган ва аэропортда қолишга мажбур бўлган. Натижада улар узоқ вақт давомида ўз ватанига ҳам қайта олмаган, борган давлатига чиқишга ҳам рухсат берилмаган.

Масалан, Африкадан Италияга учиб келган кекса ёшли аёл ҳужжатлардаги камчилик туфайли Милан аэропортида қолиб кетган. У гарчи Италия фуқароси бўлишига қарамасдан 6 йил давомида на мамлакатга киролган, на Маврикийда қолган оиласи бағрига қайтолган.

Оиласи билан ажрашган немис муҳандиси Испаниянинг "Малйорка" аэропортида 4 йил яшашга мажбур бўлган. У йўловчиларнинг юкларни ташишда ёрдамлашиб, тирикчилигини ўтказган.

Таъкидлаш жоизки, бундай тақдир синовига рўбарў бўлган инсонлар жуда кўп бўлиб, уларнинг энг машҳури эронлик Миҳрон Каримий Носирийдир.

1977 йилда Эронда сиёсий вазият кескинлашиб, аҳоли мамлакат ҳукмдорига қарши намойишлар ўтказа бошлайди. Намойишлар бостирилади ва иштирокчиларнинг кўпчилиги ҳибсга олинади. Шундан сўнг намойишларда қатнашганлар хорижга қочишга мажбур бўлишади. Шулардан бири Миҳрон Каримий Носирий эди. 35 ёшли Миҳрон намойишларда қатнашгани учун ҳибсга олиниб, чет элга бадарға қилинади. Шу тариқа Европага бориб қолган Миҳрон бир қанча давлатларга қочқинлик мақоми бериш тўғрисида мурожаат этади. Бироқ улар рад этилади.

1979 йил 11 февралда Эрон шоҳи тахтдан ағдарилган бўлса-да, Европанинг турли давлатларида вақтинча яшаб турган Миҳрон юртига қайтишни хоҳламайди. Уч йилдан кейин дарбадар ҳаёт кечираётган Миҳронга БМТ қошидаги Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссиянинг Белгия бўлими қочоқлик мақомини беради. Бу унга Европанинг исталган мамлакатига жойлашиш ҳуқуқини берса-да, у Белгияда қолади.

Салкам 10 йил мобайнида Белгияда яшаган Миҳрон 1988 йилда Шотландия пойтахтига йўл олади. Аммо Париж шаҳрида у ҳужжатларини йўқотиб қўяди. Базўр самолётга чиқиб олган Миҳрон Лондонга учади. "Хитроу" аэропортида шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати бўлмагани учун Миҳронни мамлакат ҳудудига киритишмайди ва уни ортга қайтариб юборишади.

Энг қизиғи, Париждаги "Шарл де Голл" аэропортида Миҳронни ҳужжатлари бўлмагани учун Францияга ҳам киритишмайди. Гарчи у Франция ҳукуматига ўзининг аҳволи ҳақида мурожаат қилган бўлса-да, унга аэропорт ташқарисига чиқишга рухсат берилмайди.

Аэропорт ичида қолишга мажбур бўлган Миҳронга дастлаб аэропорт хизматчилари ва йўловчилар озиқ-овқат, кийим-кечак, пул беришади. Орадан бироз вақт ўтгач, у аэропорт ичида аравачаларни йиғиб келиш орқали даромад топа бошлайди. Бу аэропорт ичида яшаш ва овқатланиш харажатларини қоплашга етарли бўлади.

Кейинчалик шов-шувга ўч матбуот вакиллари ундан интервьюлар олади ва Миҳрон анча таниқли шахсга айланади. Қолаверса, бунинг учун унга яхшигина ҳақ тўлашади.

1995 йилда Белгия ҳукумати истисно тариқасида Миҳронга шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаб беришини маълум қилади. Бироқ бунинг эвазига Белгияга қайтиш ва шу ерда яшаш шарти қўйилади. Бунга рози бўлмагани учун Миҳрон яна аэропортда яшашда давом этади.

Орадан уч йил ўтгач, бир адвокат Миҳроннинг ҳужжатларини тўғрилаб, унга етказиб беради. Аммо бу пайтда аэропортда яшашга кўникиб қолган Миҳрон уни тарк этмайди.

2006 йилнинг ёз фаслида оғир касалликка чалинган Миҳронни шошилинч равишда касалхонага ётқизишади ва 18 йил мобайнида "Шарл де Голл" аэропортида яшаган қочқин ўзи истамаган ҳолда кўчага чиқади.

Миҳроннинг қисмати шундай кечган.

Шу ўринда у ҳақида яратилган фильмга тўхталадиган бўлсак, Миҳрон Париждаги аэропортда яшаб юрган пайтдаёқ кўплаб нуфузли нашрларда у ҳақда мақолалар чоп этилиб, телеканалларда репортаж ва кўрсатувлар намойиш этилган. Улар ёрдамида эронлик қочқиннинг узоқ йиллар давомида аэропортдан чиқмасдан яшашидан хабар топган "Голливуд" кинокомпанияси Миҳроннинг ҳаёти ҳақида фильм яратишга қарор қилади.

Таниқли кино юлдузлари Том Ҳенкс ва Кэтрин Зета-Жонс бош ролларни ижро этган "Терминал" фильми яратилганда Миҳрон "Шарл де Голл" аэропортида яшаб юрган.

Фильм Миҳроннинг бошидан ўтказган воқеалар асосида тасвирга олинган бўлса-да, асосий қаҳрамон ва унинг мамлакати бошқа номлар билан аталган. Бундан ташқари фильмдаги воқеалар "Шарл де Голл" аэропортида эмас, балки Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги аэропортда кечган.

Фильм учун Калифорния штатининг Палмдейл шаҳарчасидаги ҳудудий қатновларга хизмат қилувчи аэропортнинг улкан ангари турли декорациялар ёрдамида Жон Кеннеди номидаги аэропортга ўхшатиб безатилган. Фильмнинг асосий қисми шу ерда, айрим саҳналари Канаданинг Монреал шаҳрида жойлашган "Мирабел" аэропортида кинотасмага муҳрланган.

60 миллион АҚШ доллари эвазига яратилган фильм катта экранларга чиққач, томошабинлар эътиборига тушди ва кинокомпания ундан 219 миллион доллар фойда кўрди. Ҳозирги пайтда у бутун дунё, шу жумладан, ўзбек томошабинларининг ҳам севимли кинофильмларидан бири ҳисобланади.

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн Мирзо тайёрлади.

Жиноят ва жазо

Қимматга тушган зўравонлик

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бундан С.Дониёров баттар тутақиб кетди ва Ш.Адҳамжоновнинг юзига қандай тарсаки туширганини ўзи ҳам билмай қолди. Шунда Шукрулло пайпоғининг ичида яшириб қўйган қайирма пичоқни олиб, С.Дониёровнинг кўкрагига санчди. Кутилмаганда аянчли фожиа рўй берди. С.Дониёров тиғ зарбидан инграганча ерга қулади. Яхшиямки, Ўктам Мадазимов оғир жароҳат олган дўстини шошилинч тез тиббий ёрдам бўлимига олиб борди. Шифокорлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли С.Дониёровнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Табиийки, Ш.Адҳамжоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани судининг ҳукмига асосан у Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми "л" банди билан айбдор деб топилди ва муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ш.Адҳамжонов муқаддам уч марта жиноятга қўл урган ва қонуний жазога тортилган. Бироқ у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай тўртинчи маротаба жиноят кўчасига қадам босди. Аниқроғи, инсон ҳаёти учун хафли бўлган зўравонлик жиноятига қўл урди.

Унинг қилмишидан тўғри хулоса чиқармагани бу гал анча қимматга тушди. Зеро, жиноятга жазо муқаррардир.

Азамат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани суди раиси

Трансмиллий жиноятчилик

Бош қомусимиз — мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Мазкур конституциявий тамойил амалдаги қонунларимизда ҳам ўзининг теран ифодасини топган.

Хусусан, қонунларимизда инсон шаъни ва қадр-қимматига қарши содир этилган жиноятлар учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг 135-140-моддаларини ўз ичига олган "Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар" дея номланган VI-боби ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Энг асосийси, судлар томонидан бундай оғир қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар асосида давом эттирсак, Самарқанд туманида яшаган Нодир Маърупов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2011 йил март ойининг бошларида Балиқчи туманида яшайдиган ҳамтовоғи Х.Солиев (у жиноят ишлари бўйича Избоскан тумани судининг 2014 йил 11 ноябрдаги ҳукми билан қонуний жазога тортилган) билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда одам савдоси жиноятини содир этишади.

Гап шундаки, аввалига Х.Солиев Балиқчи туманида яшовчи таниши Д.Розиқовни, 2011 йил апрель ойининг ўрталарида А.Назаров, А.Умматов ва О.Зокировни алдаб, хорижий давлатга олиб боради. Мақсад — улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш эди.

— Ҳар ойда катта миқдорда иш ҳақи оласизлар. Турар жой ва озиқ-овқат текин, — дея у ёлғон ваъда беради.

Аммо Х.Солиев хорижий давлатга етиб келгач, тўрттала йигитнинг ҳам фуқаролик паспортини олиб қўяди ҳамда уларни оғир шароитда яшаш ва ишлашга мажбур қилади. Бунинг устига у Д.Розиқовнинг 2.706.200 сўм, А.Назаровнинг 7.000.000 сўм, О.Зокировнинг 7.171.430 сўм миқдоридаги иш ҳақини бермай ўзининг шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборади. Устига-устак, уларнинг фуқаролик паспортини ҳам қайтариб бермайди. Кейинчалик эса, Н.Маърупов жабрланувчиларни қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бошқа манзилга бошлаб боради. Аммо у ҳам худди ҳамтовоғи Х.Солиев сингари жабрланувчиларни ишлатиб, иш ҳақини бермайди.

Бундан ташқари Н.Маърупов ҳамтовоғи Х.Солиев билан яна жиноий тил бириктириб, 2011 йил июль ойига қадар Балиқчи туманида яшовчи У.Кенжаев, Б.Пўлатов, У.Назаров, М.Тешабоев, А.Комилов, Б.Комилов, И.Солиев, Х.Тўраев, М.Жўраев, М.Абдумуталов, М.Расулов, Э.Мамараҳимов, М.Болтабоев, Ф.Исмонов, Х.Кенжаев, А.Розиқовдан ҳам арзон ишчи кучи сифатида фойдаланади. Яъни уларни ҳам қоп-қоп ваъдалар бериб, алдаган кўйи хорижга олиб боради. Сўнгра уларнинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, оғир ишларни бажаришга мажбур қилади. Қолаверса, уларнинг 63 миллион 283 минг сўмлик иш ҳақини ўзининг ҳамёнига уради. Н.Маърупов жиноий шериги Х.Солиевнинг укаси И.Солиевни ҳам аяб ўтирмайди.

— Мен сизларни сотиб олганман, — дейди Н.Маърупов. — Шунинг учун ишлашга мажбурсизлар...

Охир-оқибат жабрланувчилар оғир қийинчилик ва машаққатларни бошдан кечириб, яхши инсонларнинг кўмаги билан ўз уйларига қайтишга муваффақ бўлишади. Шундан сўнг улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишади. Бинобарин, ушбу ҳолат бўйича ўша пайтдаёқ жиноят иши қўзғатилади. Лекин Н.Маърупов хориждан қайтмагани боис унга нисбатан қидирув эълон қилинади. Бундан 5 йил муқаддам — 2017 йил 15 сентябрда унга нисбатан қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган. Жорий йилнинг 13 январь куни у қамоққа олинди.

Яқинда Н.Маъруповга оид жиноят иши жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судида кўриб чиқилди. Суд Н.Маъруповни Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б, д, е, и" бандлари билан айбдор деб топди ва қонуний жазо тайинлади. Шунингдек, суд ҳукмида Нодир Маъруповдан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни ундириш ҳам белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳар бир иш бўйича адолатни юзага чиқариш инсонпарварлик сиёсатига асосланган жамиятнинг ягона талабидир.

Кези келганда яна бир ҳолатни эътироф этиш жоиз. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат, хизмат кўрсатиш ва аграр соҳаларда янгидан-янги лойиҳалар амалга жорий этилмоқда. Қолаверса, ҳар бир оилага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер майдони ажратиб берилмоқда. Натижада минглаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг доимий бандлиги таъминланмоқда. Энг қувонарлиси, бу эзгу саъй-ҳаракатлар юртдошларимизнинг хорижга иш излаб кетишига барҳам бериб, одам савдосидек аянчли жиноятларнинг олдини олмоқда.

Фурқатжон СОБИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6641
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 1³⁰.